

**“БОҒОТ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АҚЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ
УМУМИЙ ЙИФИЛИШИ
2-СОН БАЁННОМАСИ**

Хоразм вилояти, Боғот тумани,
Урганч кўчаси, 2-үй

2025 йил 7 август

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Хоразм вилояти, Боғот тумани, Урганч кўчаси, 2-үйда “Боғот пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 11 480 660

“Боғот пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2025 йил 15 июлдаги 59-сон таклиф хати инобатга олиниб, жамият кузатув кенгаши томонидан 2025 йил 16 июлда қабул қилинган йиғилиш қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш хуқукига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2025 йил 1 август.

Жамият кузатув кенгашининг аъзоси К.Хусайнова йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қўйидагилар сайланди:

1. Искандаров Махмудбай Қодирбердиевич - “Хоразмнахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖ тугатиш бўйича комиссия раиси-йиғилишда раислик қилувчи;
2. Хусайнова Қундузхон Равшонбековна –жамият кузатув кенгаши аъзоси;
3. Сайдов Зокир Ганжаевич-жамият бош директори;

“Хоразмпахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖ тугатиш бўйича комиссия раиси М.Искандаровни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати мутахассиси М.Полиязов йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб М.Искандаров ва йиғилиш котиби этиб М.Полиязов сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси Ф.Кутлимуродовга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

“Кимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2025 йил 1 август ҳолатига шакллантирилган “Боғот пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 912 та акциядорга тегишли 11 480 660 дона акциялар катнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда

6375726 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 13 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 55,534% ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) хисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

З.Сайдов –жамият бош директори;

З.Аминов–жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори, бош хисобчи.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Боғот пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. “Боғот пахта тозалаш” АЖ ихтиёрий тугатиш тўғрисида.

3. “Боғот пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йигилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида З та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маъruzачига - 10 (үн) дақиқадан, муҳокама учун - 20 (йигирма) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунигининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 16 июлдаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати мутахассиси - Полиязов Мўмин Раматович, жамиятнинг материал харажатлар ва иш хақи хисобчиси – Қутлимуродов Фарход Комиловичлар номзодларини киритиши таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен оркали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 6375726 та овоз билан 100,0 %; “Карнилар”- йўқ;

“Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қиласи:

1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти ва икки кишидан иборат қўйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансан:

1) М. Полиязов;

2) Ф. Қутлимуродов;

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича - “Хоразмпахтасаноат ҲБ”АЖ тугатиш комиссияси раиси йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров сўзга чиқиб, қуидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартағи “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ҷавлат активларини бошқариш агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Ҷавлат солиқ қўмитасининг “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир ой муддатда “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “йўл харитаси” ни тасдиқланиши белгиланган.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 02/1-668-сонли “Йўл харита”си тасдиқланди ва “Йўл харита”нинг 4-бандига асосан ҳудудий “Пахтасаноат бирлашмалари” АЖларни тугатиш жараёнларини якунлаш, тугатиш муддатлари ўтган ҳудудий бирлашмаларни тугатиш жараёнларини тиклаш масаласини бошқарув органлари мажлисларида кўриб чиқиши вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартағи “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сонли қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизимидағи корхоналарни тугатишни жадаллаштириш, харажатларни қисқартириш мақсадида жамиятни “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидағи бошка жамиятта кўшиш ёки ихтиёрий тугатиш масаласини қонунчиликда белгиланган тартибда жамият акциядорлари умумий йиғилишида кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарорига асосан “Боғот пахта тозалаш” АЖ ва унга қарашли пахта тайёрлаш масканлари **4 август 2020йилдаги №52, №53 ҳамда 5 август 2020 йилдаги №57-сонли** олди-сотди шартномаларига асосан “КОВОТЕХ” МЧЖга 38 365 160 045 сўмга 5 йил муддатда бўлиб тўлаш (тенг микдордаги йиллик тўловлар) шарти билан сотилган эди.

Жамият мол-мулклари кластер корхонасига сотилганлиги сабабли 2019-2020-2021-2022-2023-2024-2025 йиллар давомида тумандаги фермер хўжаликлари томонидан етиширилган пахта хом-ашёси жамиятда қайта ишлаш мақсадида қабул қилинмади ҳамда товар маҳсулоти ишлаб чиқарилгани йўқ яъни жамият фаолият кўрсатгани йўқ.

Бугунги кунда, кластер корхонасига сотилган мол-мулклар бўйича ҳисоб-китоблар 2025 йил 01 август холатига кластер корхонаси карздорлиги 1 522 791 минг сўмни ташқил қилиб, бундан бўён жамиятнинг асосий фаолияти билан ёки бошка фаолият билан шуғулланиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, жамиятни ихтиёрий тугатиш масаласи акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокама қилишни лозим топилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 98-моддасига мувофиқ ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-бандига асосан тижорат ташкилотини ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

тугатилаётган тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги маълумотлар (тўлиқ ва қисқартирилган номи, солик тўловчининг идентификация рақами, поча маңзили); “Богот пахта тозалаш” АЖ, (СТИР: 200426302, Индекс: 220200), bogotpaxta@mail.ru,

тугатувчи ҳақидаги маълумотлар (паспорт маълумотлари, телефон рақами ва электрон поча маңзили);

тугатилаётган тадбиркорлик субъекти бўйича мурожаатларни қабул қилиш жойи ва муддати;

тадбиркорлик субъектини тугатиш сабаби ва мўлжалланаётган тугатиш муддати.

Юкоридагилардан келиб чиқиб “Богот пахта тозалаш” АЖни ихтиёрий равища тугатиш тўғрисида қуйидаги қарорни қабул қилиш таклиф этилди.

1. Хоразм вилояти, Богот тумани, Урганч кўчаси, 2-й манзилида жойлашган (СТИР: 200426302, Индекс: 220200) “Богот пахта тозалаш” акциядорлик жамияти (“Богот пахта тозалаш” АЖ) ихтиёрий равища тугатилсин.

2. Тугатилаётган “Богот пахта тозалаш” АЖ бўйича мурожаатлар тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан олти ой давомида Хоразм вилояти, Богот тумани, Урганч кўчаси, 2-й манзилида қабул қилинсин.

Шундан сўнг ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу маласа юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 6375726 та овоз билан 100,0 %; “Каршилар”- йўқ;

“Бетарафлар”- йўқ;

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Хоразм вилояти, Богот тумани, Урганч кўчаси, 2-й манзилида жойлашган (СТИР: 200426302, Индекс: 220200) “Богот пахта тозалаш” акциядорлик жамияти (“Богот пахта тозалаш” АЖ) ихтиёрий равища тугатилсин.

2. Тугатилаётган “Богот пахта тозалаш” АЖ бўйича мурожаатлар тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан олти ой давомида Хоразм вилояти, Богот тумани, Урганч кўчаси, 2-й манзилида қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича “Хоразмпахтасаноат ҲБ” АЖ тугатиш комиссияси аъзоси К.Хусаинова сўз олиб, тугатиш комиссияси таркибида “Боғот пахта тозалаш” АЖнинг амалдаги директори З.Сайдов, бош хисобчи З.Аминов, юрист Б.Бекиязов, корпоратив муносабатлар хизмати мутахассиси М.Полиязов, Материал харажатлар ва иш хақи хисобчиси Ф.Кутлимуродовлар киритилиши таклиф этилди.

Тугатилаётган “Боғот пахта тозалаш” АЖнинг тугатиш муддатигача бўлган даврга харажатлар сметаси иловага мувофиқ тасдиқлашни таклиф қилди.

Тугатиш комиссияси таркибини қуидаги таркибда тасдиқлаш таклиф этилди:

- | | |
|-------------------------------------|--|
| 1) Сайдов Зокир Ганжаевич | - “Боғот пахта тозалаш” АЖ бош директори, тугатиш комиссияси раиси; |
| 2) Аминов Зафарбек
Курамбоевич | - “Боғот пахта тозалаш” АЖ молиявий масалалар бўйича директори - бош хисобчи, тугатиш комиссияси аъзоси; |
| 3) Полиязов Мўмин
Раматович | - “Боғот пахта тозалаш” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати мутахассиси, тугатиш комиссияси аъзоси; |
| 4) Кутлимуродов Фарход
Комилович | - “Боғот пахта тозалаш” АЖ материал харажатлар ва иш хақи хисобчиси, тугатиш комиссияси аъзоси; |
| 5) Бекиязов Бобохон
Матяқубович | - “Боғот пахта тозалаш” АЖ юрист консульти, тугатиш комиссияси аъзоси. |

Шундан сўнг ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу маласа юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлағанлар” – 6375726 та овоз билан 100,0 %; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ;

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги Учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. “Боғот пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси таркиби қуидаги шахслардан иборат этиб тайинлансин.

- | | |
|-----------------------------------|--|
| 1) Сайдов Зокир Ганжаевич | - “Боғот пахта тозалаш” АЖ бош директори, тугатиш комиссияси раиси; |
| 2) Аминов Зафарбек
Курамбоевич | - “Боғот пахта тозалаш” АЖ молиявий масалалар бўйича директори-бош хисобчи, тугатиш комиссияси аъзоси; |

- 3) Полиязов Мўмий
Раматович
- 4) Кутлимуродов Фарход
Комилович
- 5) Бекиязов Бобохон
Матяқубович
- “Боғот пахта тозалаш” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати мутахассиси, тугатиш комиссияси аъзоси;
 - “Боғот пахта тозалаш” АЖ материал харажатлар ва иш хақи хисобчиси, тугатиш комиссияси аъзоси;
 - “Боғот пахта тозалаш” АЖ юрист консультти, тугатиш комиссияси аъзоси.

2. “Боғот пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тұхтатиши тартиби түғрисида”ги Низом талабларидан келиб чиқиб ташкил этсин.

3. “Боғот пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссиясини тұлық фаолият күрсатини учун барча шарт-шароитларни (комиссия аъзоларининг иш хақи, хизмат хоналар, компьютер, телефон, интернет, канцтовар ва бошқалар) яратиш мақсадида тугатиш комиссияси томонидан харажатлар сметаси ишлаб чиқылсии ва “Хоразмпахтасаноат ҲБ” АЖ билан келишилгандардан тасдиқлансии.

4. “Боғот пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссиясининг фаолиятини ташкил этиши билан боғлиқ харажатлар сметасининг ижроси түғрисидаги хисобот жамият акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида күриб чиқылиши белгилансин.

5. “Боғот пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тұхтатиши тартиби түғрисида”ги Низом хамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқтарини химоя қилиш түғрисида”ги Қонунида белгиланған талаб ва тартибдан келиб чиқиб ташкил этсин, жумладан:

-жамиятнинг тугатиш бүйіча амалдаги қонун хужжатлари билан белгиланған тартиб ва муддатларини ўз ичига олган режани тасдиқлаш;

-жамиятнинг тугатилиши ва жамият кредиторлари талабларини билдириш тартиби ва муддатлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида еълон бериш;

-жамиятнинг активлари ва мажбуриятларини қонун хужжатларида белгиланған тартибда хатловдан ўтказиш, шу жумладан жамият қарздор сифатида иштирок этган ижро хужжатлари реестрини тузиш;

-жамият ходимлари билан Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 161-моддаси иккинчи кисми 1-бандига асосан мехнат шартномасини бекор қилиш;

-жамият акциядор (иштирокчи) бўлган ташкилотлардаги улушларини тасдиқловчи хужжатларни (депо хисоб рақамдаи кўчирма, гувоҳнома) хатлов ўтказиш санаси ҳолатига олиш;

-жамиятнинг дебиторлик қарзларини ундириш;

-Давлат солиқ хизмати органи томонидан жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни (тафтиш қилинини) ўтказилишини таъминлаш;

-кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши учун белгиланган муддат тугагач давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилган текшириш натижаларини, шунингдек, тузилган ижро хужжатлари реестрини хисобга олган ҳолда оралиқ тугатиш баласи лойиҳасини тузиш;

-савдога қўйилган саидан бошлаб иккى ой мобайнида сотилмаган молмулкни кредиторларга баҳолаш суммасида белгиланган навбатга риоя этган ҳолда мулк этиб қабул қилишини тақлиф этиш;

-Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар-нинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 100-моддасида белгиланган тартибда жамиятнинг кредиторлар билан хисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулкини акциядорлар ўртасида тақсимланишини ва тугатиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминласин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:  **М. Искандаров**

Йиғилиш котиби:  **М.Полязов**

Йиғилиш баённомаси _____ август куни икки нусхада тузилди.

